

ШУКУР ХОЛМИРЗАЕВ БАДИИЙ УСЛУБ ВА ИЖОДИЙ
ИЗЛАНИШЛАР ҲАҚИДА

Отабек Сафаров

*Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат
ўзбек тили ва адабиёти университети эркин
тадқиқотчиси;*

E-mail: *otabeksafarov@gmail.com*

Аннотация: *Ушбу мақолада Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаевнинг бадиий услублар ва ижодий изланишларга муносабати ўрганилган. Бадиий методларнинг ўзига хосликлари, ижодий услубни шакллантирувчи омиллар юзасидан Шукур Холмирзаев чиқарган хулосалар ва уларни тадқиқ этишининг аҳамияти кўрсатиб берилган.*

Калим сўзлар: *Шукур Холмирзаев, реализм, модернизм, романтизм, Хемингуэй, бадиий услуб, маҳаллий колорит, психоанализ.*

Abstract: *This article examines Shukur Kholmiraev's attitude to artistic styles and creative research. Shukur Kholmiraev's conclusions about the peculiarities of artistic methods, the factors that shape the creative style and the importance of their research are shown.*

Keywords: *Shukur Kholmiraev, realism, modernism, romanticism, Hemingway, literary method, local color, psychoanalysis.*

Услуб бадиий ижоднинг асосий компонентларидан ҳисобланади. Ижодкорнинг ғоявий-бадиий нияти тўлақонли амалга ошиши, бадиий маҳоратининг бошқаларникидан фарқли тарзда намоён бўлиши услубга бевосита боғлиқ. Шу сабабли адабиётшуносликда ёзувчи услубининг ўзига хослиги, хусусият ва белгилари доимий равишда ўрганиб келинади. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаевнинг ижодий изланишлари ҳам аксарият ҳолларда услуб билан боғлиқ ҳолда кечади.

Адиб услуб мавжудлигини ижодкорликнинг бош белгиси деб ҳисоблайди. Шу боис услуб борасидаги изланишларига ёзувчиликда “ўзликни топиш” тарзида таъриф беради. Унинг фикрича, услубни шакллантирувчи ҳар бир жиҳат муҳим, эътиборга молик. “Ўтмишу ҳозирги замон адабиёти – ёзиш усулларида, озми-кўпми ўрганиб, ўз йўлимни топиш устида кўп ўйландим. Сизга очиқ айтаман, асарларим баъзиларга манзур бўлмаган эса-да, вақтиннинг кўпи ана ўша асарларни қандай ёзиш кераклиги устида кечди. Мен бундан сира ўкинмайман. Зероки, ҳозир ҳам ўзимни излаишда, деб биламан. Кун ора услубимга қўйиши имкони бор бўлган битта-яримта янгилик топаман. Бу излаиш ҳатто нуқта, вергулни қаерга қўйиши борасида ҳам бўлади” [Холмирзаев, 1977], - деб таъкидлайди у адабиётшунос Умарали Норматов билан суҳбатида.

**RAUF PARFI IJODINING
MA'NAVİY-MA'RIFIY AHAMIYATI**
Respublika ilmiy-nazariy anjumani

Шукур Холмирзаев “Ўзликни топиш” жараёнида дунё адабиёти намояндаларининг ижодий услубини чуқур ўрганadi. Таниқли америкалик адиб Эрнест Хемингуэйнинг услуби унинг эътиборини тортади. Адабиётшуносларнинг фикрича, Шукур Холмирзаев ижодида Хемингуэйнинг “телеграф” услубидан таъсирланиш сезилади. Аслида Ш.Холмирзаев бу адибнинг ёзиш услуби билан ўтган асрнинг 70-йилларидаёқ танишиб улгурган, унинг ютуқ ва камчиликлари ҳақида муайян хулосага келган эди. *“У деди, мен дедим” дегандай қисқа-қисқа диалогларда ҳам кишилар ички олами-руҳиятини бемалол бериши мумкин эканини худди шу ёзувчи адабиёт оламида энг кўп намоёни қилди. Тўғрими? Унинг баъзи бир роман ва ҳикоялари бут-бутун диалоглардан иборатдир! Бу жуда галати услуб, таҳлилга, тадқиқотга арзийдиган ажиб усулдир!..”* [Холмирзаев, 1966] Шукур Холмирзаев ўзига маъқул келган бу услубга маҳлиё бўлиб қолмайди, уни ижодида тўғридан-тўғри татбиқ этиш йўлидан бормайди. Билъакс, Э.Хемингуэй асарларининг услубий ўзига хослиги ҳамма ўринда ҳам муваффақиятли чиққанми, деган савол атрофида мулоҳаза юритади. Ш.Холмирзаев инсоннинг ботиний оламини тадқиқ этишни бадиийликнинг энг асосий мезони деб ҳисоблаганидан келиб чиқсак, америкалик адиб услубини ушбу ўлчовга солиб кўргани табиийдир. Шу жойда диалоглар орқали қаҳрамон руҳиятини акс эттириш йўлидаги камчиликлар намоён бўлади, Э.Хемингуэй ўзи ҳам ижодининг кейинги босқичида ўзгача шаклий-услубий йўлдан юрганини Шукур Холмирзаев мазкур омил билан қуйидагича изоҳлайди: *“Бироқ бунинг хавфли томонлари ҳам жуда кўп: ёзувчи қаҳрамон руҳиятини ҳадеганда унинг нутқида бера олмайди, асти! Достоевский қаҳрамонларини эсланг, улар тасвиридаги “руҳий парча”ларни олиб ташлаб, қуруқ диалогларни қолдирсангиз, нима бўлади? Асар ҳам йўқ бўлади, ўша қаҳрамонларнинг ўзи ҳам! Тўғри, Хемингуэй бу усулни ёқтирар эди. Иккинчидан, унинг қаҳрамонлари, умуман, америкаликлар ҳаракатчан бўлганлари учун Достоевский қаҳрамонлари сингари кўпроқ ўйлашга, чуқур ўйлашга майлсизроқ бўлади... Лекин шуларга ҳам қарамай, Хемингуэй умрининг охирида бу ёқтирган услубидан узоқлаша бошлади. Айниқса, ўзингиз, Иброҳимжон, ўзбекчага таржима қилган “Чол ва денгиз” асарида бошқача йўл тутди у ва бунинг ёзувчининг ўзи ҳам изоҳлаб: “Мен ўшанақа қилиб ёзишни машқ қилаётган эдим”, дейди”* [Холмирзаев, 1966].

Шукур Холмирзаевнинг бадиий услуб, ижоддаги шаклий ўзига хосликлар ҳақидаги қарашлари унинг “Услуб, бадиий шакл муаммолари”

**RAUF PARFI IJODINING
MA'NAVİY-MA'RIFIY AHAMIYATI**
Respublika ilmiy-nazariy anjumani

сарлавҳали суҳбат-мақоласида анча батафсил ифодаланган. Аввало, суҳбатда ёзувчининг адабий изланишларга, хусусан, новаторликка хайрихоҳлиги маълум бўлади. Хусусан, Алишер Навоийнинг “Ани назм этки, тархинг тоза бўлғай, Улусқа, майли, беандоза бўлғай” байтидаги ижодий янгилаштиришга ундов мазмуни Шукур Холмирзаевнинг қарашларига ҳам мос тушади. *“Қандай дадил гап. Улусқа – оммага андоза-қолиндан ташқари кўринса ҳам, янгича ёз, ўзингга хос услуб билан қалам тебрат!”* [Холмирзаев, 1977] дейди бу ҳақда у.

Шукур Холмирзаев ўзининг ижодий услубини шакллантириш ҳақида бош қотирар экан, бу борада таянадиган мезонини шундай ифодалайди: *“Шахсан мен китобхонни бир ёққа торта билган, унинг дидига мўлжаллаб – унга асарини нима қилиб бўлса ҳам ёқтириш мақсадида эмас, ўша дидни бир баҳя бўлса-да кўтариш ниятида тер тўккан ёзувчиларни севаман”* [Холмирзаев, 1977]. Кўриняптики, ёзувчининг мақсади – китобхоннинг бадиий дидини ўстириш, яъни шунга хизмат қиладиган услубда ижод қилиш. Адиб бу ўринда бадиий дидга таъсир қилувчи икки омилни ажратиб кўрсатмоқда. Биринчиси, *“нима қилиб бўлса ҳам асарини китобхонга ёқтириш”* – бу адабий дидни ўстиришга хизмат қилмайди. Иккинчиси ва Шукур Холмирзаевга маъқули – *“китобхоннинг дидини ўстириш-кўтаришга хизмат қилувчи”* услуб. Ёзувчи-танқидчи бу фикрини ривожлантириб, ижодкорнинг олдига талаб сифатида қўяди: *“Замондаги ўзгаришлар, проза ва умумкитобхон диди, савиясидаги ўзгаришларни ҳисобга олиб, бугунги ёзувчининг тажрибасиз китобхонга эргашиб асар ёзишга ҳаққи йўқ, дейман”* [Холмирзаев, 1977]. Демак, Шукур Холмирзаев ижодини ўрганишда ушбу жиҳатни инобатга олиш, асарларида китобхонларга бир қадар тушунарсиз туюлган ўринларни илғор адабий услублар нуқтаи назаридан баҳолаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Кези келганда яна шуни таъкидлаш керакки, Шукур Холмирзаевнинг ижодий услубни шакллантириш борасидаги қарашлари мавжуд бадиий шакллардан қаноат ҳосил қилмагани сабабли бадиийликка эришишнинг янги, инсонни тўлақонли акс эттириш имконини берадиган йўллари топишга йўналтирилганди. Бошқача айтганда, ёзувчи ижодий изланишни адабиётда ўзлигини топиш мақсадидаги сафарбарлик, деб билган эди. Унинг йўл топишдаги адабиётчиларга вақтини, кучини сарфлаганидан баъзи ўринларда афсуслангани ҳам шундан далолат беради. Ёзувчи ўзининг болалик дўсти Исмаил Норбоевга йўллаган мактубида шундай ёзади: *“Қопқондаги бўри”* нгизни ҳозир ўқиб чиқдим. Худо ҳаққи, маза қилдим.

**RAUF PARFI IJODINING
MA'NAVİY-MA'RIFIY AHAMIYATI**
Respublika ilmiy-nazariy anjumani

*Тасвирингиз ҳам, ўйларингиз, ҳолатларингиз ҳам яхши! Бўрининг қопқонни қатир-қутур қилиб чайнашлари аъло даражада тасвирланган. Умуман, ҳаммаси жойида. Тахрирингиз ҳам яхши. Масалан, мен нашириётда муҳаррир бўлиб ишлаган киши сифатида беш-олти ерига қалам ура олишим мумкин. Мақтовларимни тўғри қабул қилинг... **Шу йўлингизни асло йўқотманг, чалгиманг – адашасиз, бу қимматга тушади. Мен ўзим кўп адашганман** (таъкидлар бизники – О.С.), уни фақат ўзим биламан – мени огоҳлантириб турадиган киши бўлмаган” [Холмирзаев, 2007].*

Шукур Холмирзаевнинг услубни кашф этиш борасидаги изланишлари, ўзига хос ифода шаклини топиш йўлидаги қарашлари яна шуниси билан аҳамиятлики, у назарий хулосаларини мунтазам таҳлил қилиб, қайта кўриб борди. Агарда илмий тўхтамларида хатолик топса, буни очикчасига тан ҳам олди: “Чунки ўшанда мен “услуб” деганда барча асарларнинг бир тарзда, дейлик, бир йўлда ёзилишини тушунганман. Бу фикрим хато экан: бир услубнинг ичида минг усулда асар ёзиш мумкин экан; бу нарса олинган материалга боғлиқ эканки, ўша услуб эгаси, агар оёқда туриб олган ёзувчи бўлса, ўша материални ҳар қандай усулда ёзмасин, ўз услубига (“Услуб – бу шахс”, дейди К.Федин) содиқ қолаверар экан. Ахир, услубда ҳамма нарса мужассам: дунёқарашидан тортиб, нуқта қўйишигача...” [Холмирзаев, 1986]

Шукур Холмирзаев – реалистик услуб намояндаси. Буни унинг ўзи ҳам, адабиётшунослар ҳам эътироф этади. Адиб ўтган асрнинг 60-йиллари иккинчи ярмида тенгдош ижодкорлар: Учқун Назаров, Ўлмас Умарбеков, Ўткир Ҳошимов, Неъмат Аминов, Фарҳод Мусажонов, Дадахон Нурий, Саъдулла Сиёев, Ўктам Усмонов ижоди белгилари ҳақида гапираркан, уларнинг “реалистик бадиий тасвир принципларини ўзлаштираётгани”ни қайд этади. Ёзувчининг ўзи ҳам мазкур адабий авлодга мансублигини эътиборга олсак, улар ижодининг бошиданоқ реалистик услуб қирраларини кашф этиш йўлидан юриб, “кўраман, эшитаман ва сезаман” принципига (Шукур Холмирзаев бу принципни “реалистик тасвирнинг илк, назаримда, энг тўғри ва самарали босқичларидан бири” деб ҳисоблайди) таянганидан далолат беради.

Реалистик методни Шукур Холмирзаев адабиётнинг “асосий йўналиши” деб билади. “Кечирасиз, жаноб Карпентьер, вақтим зикроқ...” сарлавҳали мақоласида муаллиф модернистик услубда ижод қилаётганлар баробарида мазкур асосий йўналишга “содиқ қолганлар” ҳақида ҳам тўхталиб ўтиб, уларнинг реалистик метод имкониятларини кенгайтиришга

**RAUF PARFI IJODINING
MA'NAVİY-MA'RIFIY AHAMIYATI**
Respublika ilmiy-nazariy anjumani

ҳаракат қилаётганини таъкидлайди. Танқидчи-муаллиф бунда ҳаёлга мурожаат этувчи модернизм услуби сифатига қарама-қарши мезон ўлароқ реализмни “мавжуд ҳаётни барча ўнқир-чўнқирлари, задир-будир жойлари билан ҳам севдира оладиган, пироварди, уни янада ёрқинроқ ва ҳаётийроқ қилиб” тасвирлаш имконини берувчи услуб сифатида таърифлайди. Шу маънода унинг “Мен ҳақиқатдан ҳам реалист адибман” [Холмирзаев, 1997], деган сўзларида ўзининг йўли тўғрилигига ишонч, адабиётнинг авангард йўналиши деб биладиган услубда ижод қилаётганидан фахрифтхор акс этади.

Шукур Холмирзаевнинг мустақиллик давридаги ижодида ҳаёт реалликларини рамзий-ишоравий воситалар орқали ифодалаш устун мавқе эгаллади. Унинг “Озодлик”, “Банди бургут”, “Наврўз, Наврўз”, “Мангу йўлдош” каби ҳикояларида сиёсий истиклолга эришган мамлакат фуқароларининг маънавий мустақилликка эришиши оғриқли ва мушкул, баъзида асоратлар билан кечаётгани бадиий талқин этилади. Ёзувчи ўзининг анъанавий реалистик услубига садоқат кўрсатган ҳолда ҳаётдаги ўзгаришлар гирдобидида қолган оддий одамларни турли ракурсларда кўрсатса-да, фикрий эркинликка эришиш инсон учун энг катта ўзгариш, ҳақиқий мустақиллик экани ҳақидаги ижодий концепциясини рамзлар ва ишоравий воситалар ёрдамида акс эттиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Холмирзаев Ш. Услуб, бадиий шакл муаммолари (Сухбатдош – Умарали Норматов)//“Шарқ юлдузи”, 1977. № 8.
2. Холмирзаев Ш. “Сим-сим, оч эшикни”//“Шарқ юлдузи”, 1966. № 3.
3. Холмирзаев Ш. Мен ўша Шукурман//“Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 2007 йил 8 июнь.
4. Холмирзаев Ш. Муаммоларнинг муаммоси – одам (Сухбатдош – Шодмонбек Отабоев)//“Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 1986 йил 26 декабрь. № 52.
5. Холмирзаев Ш. Адабиёт, адабиёт, адабиёт... (Сухбатдош – Шодикул Ҳамро)//“Ёзувчи”, 1997 йил 15 январь.